



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№1

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:
и.ф.д. Ф.А.Сафаров
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:
PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темура кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Комил Бахрамович Уразов, Лобар Джафаркуловна Алиева Корхоналар соф активларидаги ўзгаришларга аудиторлик баҳосини бериш	160
БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Хуббим Аскарлович Улашев Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали камбағалликни қисқартиришга эришиш чоралари	167
Ашур Али Рустам ўғли Латипов Иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўзини ўзи банд қилиш билан боғлиқ хизматларнинг асосий йўналишлари	172
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Ithom Begmatdulobovich Mattiyev Talabalarda salomatlikni ta'minlash jarayonida jismoniy tarbiya va sog'lomlashtirishga bo'lgan dunyoqarash omillari	178
Акмал Алимжонович Салимов Таълим тизимини самарали бошқаришда “умр давомида таълим” концепциясининг ўрни	182
Sherzod Alimardonovich Kuldashev Та'lim xizmatlari bozorida oliy ta'lim muassasalari raqobatbardoshligini oshirishning muhim omillari	186
Mirzabek Kulmamatovich Jonuzokov O'zbekiston oliy ta'limida investitsiyaviy jozibadorlik: muammo va yechimlar	191
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Мамаюнус Пардаев, Мурод Муҳаммедов Таълим соҳасида Япония ва Хитой тажрибаларидан айрим битиклар	197

Ашур Али Рустам ўғли Латипов – СамИСИ таянч докторанти

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХИЗМАТЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мақолада мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларида хизмат кўрсатиш тармоқларидаги ўзини ўзи банд қилган аҳолининг йўналишлар кесимида, вилоятлар кесимидаги улуши, ҳамда улар томонидан тўланаётган солиқ тушумларининг статистик таҳлили ёритилган ва олинган натижалар орқали хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бандлик, ўзини ўзи банд қилиш, иқтисод, вилоятлар, солиқ, хизмат кўрсатиш, камбағаллик, камбағалликни қисқартириш.

Кириш. Ҳозирги пайтда хизмат кўрсатиш соҳасида ўзини ўзи банд қилиш имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда. Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қанча фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-104-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги “Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 806-сон қарори, 2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид дастурлари қабул қилинди. Бундай эътибор натижасида 2021 йилда хизматлар кўрсатиш ҳажми қарийб 20 фоизга ўсди¹. Ушбу ҳолат нафақат мамлакат, балки ҳар бир ҳудудда сезилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси инсон кадрлари учун бўлиб, одамларимизнинг бугунги кундан рози бўлиб яшашларини таъминлаш давлатимизнинг бош ғояси эканлигидан далолат бериб турибди. Булардан ҳам кўриниб турибдики, мазкур соҳани ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган объектив заруриятга айланди. Зеро, ўзини ўзи банд қилиш моҳияти жиҳатидан ўта самарали тадбирлардан биридир. Чунки, ушбу йўл билан аҳолига керак касб танланади, йирик инвестицияни ҳам талаб қилмайди, бандлик масаласи жуда тез ҳал қилинади, турли ортиқча тўловлардан ҳам холи ҳисобланади. Бу ҳолат мазкур мавзунинг долзарблигини ҳам белгилайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Аҳолининг бандлигини таъминлаш ва унга таъсир этувчи омилларнинг ҳисоб-китобини аниқлаш, ўзини ўзи банд қилишнинг бугунги кундаги аҳамияти борасида бир қанча Европа олимлари Lucy Daniels Robert Perrucci, D. M. Wright, Suzan Lewis, Debra L. Nelson, Linda G. Rineo, Jamie Woodcock. МДХ олимларидан Смирнова О.А., Сидорова Е.М., Петров В.С., Иванов А.И кабилар², тадқиқот олиб борганлар. Ўзбекистон олимларидан ушбу йўналишда Қ.Х.Абдурахмонов, М.Қ.Пардаев, М.М.Муҳаммедов, Н.К.Зокирова, Ш.Р.Холмўминов, Д.А.Артиқова, З.Я.Худойбердиев, К.З.Хомитов, Н.У.Арабов, Г.Қ.Абдурахмонова, Г.М.Шодиева кабилар³ шуғулланиб

¹ <https://xs.uz/uzkr/post/khizmatlar-sohasini-rivozhlantirish-bojicha-ustuvor-jonalishlar-belgilandi>

² "Self-Employment for the Creative Individual" Lucy Daniels (31 Mar. 2005), The Transformation of Work in the New Economy: Sociological Readings" Robert Perrucci, D. M. Wright, "Work and Family: An International Research Perspective" Suzan Lewis, Debra L. Nelson, "Self-Employment: From Dream to Reality!: An Interactive Workbook for Starting Your Small Business" Linda G. Rineo, "The Gig Economy: A Critical Introduction" - Jamie Woodcock, "Самозанятость как альтернатива традиционной занятости: преимущества и недостатки" -Смирнова О.А., "Семейная занятость и ее влияние на семейные отношения" - Сидорова Е.М., "Самозанятость как форма трудовой занятости: социально-экономический анализ" - Петров В.С., "Занятость населения: сущность, проблемы и пути решения" - Иванов А.И. ва бошқалар.

³ Абдурахмонов Қ.Х., Зокирова Н.К. Человеческое развитие: учебник.-Т.: ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В.Плеханова», 2014. - 320 с.; Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларни моделлаштириш (монография). – Т.: Fan va texnologiya, 2014; Холмўминов Ш.Р. ва бошқалар Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари (монография). – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2018; Артиқова Д.А. Проблемы достижения равновесия на рынке труда в условиях углубления рыночных реформ.- Т.: ТГЭУ. 2006; Худойбердиев З.Я. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси. Ўқув қўлланма. ИМЗИҲО, 2016.; Хомитов К.З. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ меҳнат бозорининг самарали ривожланиши муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ЎзР ФА Иқтисодиёт институти, 2012, Абдурахмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДИУ, 2016, Арабов Н.У.

келмоқдалар. Аммо ўзини ўзи банд қилиш орқали камбағалликни камайтиришга қаратилган илмий ишлар етарли даражада тадқиқ этилмагани ҳам мавзунинг ўта долзарб муаммонинг ечимига бағишланганлигидан далолат беради.

Тадқиқот методологияси. Аҳоли бандлигини таъминлашда ўзини ўзи иш билан таъминлашнинг ўрнини очиб беришда макон ва замон, миқдор ва сифат, тизимли ёндошув, мантиқий ва қиёсий таҳлил, иқтисодий ва статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Камбағалликни қисқартиришнинг бир қанча йўналишлари мавжуд. Улардан бири аҳолининг ўзини ўзи иш билан банд қилишдан иборатдир. Ушбу принципнинг қулайлиги ўзига иш ўрнини очиб олган одам ҳеч кимга тобе бўлмайди. Ўзига ўзи раҳбар ва ўзига ўзи ижрочи. Ўзини бошқаради ва ўзи ижро қилади. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 8 июнида қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сонли¹ қарорида ҳам қайд этилган. Бундан ҳам кўриниб турибдики, мазкур масала мамлакатимиз миқёсида ва унинг ҳар бир ҳудудларида ўта долзарблигидан далолат бермоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги мавжуд барча тармоқларда ҳам, ҳудудларда ҳам, ҳатто маҳалаларда ҳам ушбу иш тизимли равишда амалга оширилишини йўлга қўйилган. Аммо улардан самарали фойдаланиш масаласи айрим ҳудуд ва тармоқларда бироз пайсалга солинмоқда. Ушбу ҳолатни охириги пайтлардаги реал маълумотлар таҳлилидан ҳам кўриб хулоса қилиш мумкин.

Ўзини ўзи банд қилиш билан боғлиқ хизматларнинг иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга ошириш масалаларининг асосий йўналишлари қуйдагилардан иборат (1-жадвал).

1-жадвал

Иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўзини ўзи банд қилиш билан боғлиқ хизматларнинг асосий йўналишлари²

Т/р	Соҳалар ва тармоқларнинг номи	Ўзини ўзи банд қилганларнинг шуғулланадиган хизматлари
1.	Ижтимоий йўналишлар бўйича хизматлар	Уйда репетиторлик қилиш, болаларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш, уй хўжалигини юритиш, хоналарни тозалаш, халқ таъбири, ҳамширалик иши каби хизматлар билан шуғулланиш.
2.	Саноат йўналиши бўйича хизматлар	Ёғоч меъморчилиги, сантехника хизмати, электр монтаж ишлари, макулатура, пластик идиш, металлларни тўплаш ва қўшимча хомашё тўплаш каби хизматлар билан боғлиқ хизматлар.
3.	Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича хизматлар	Чорва молларини ўтлатиш, уларни парвариш қилиш, қишлоқ хўжалик ўсимликларини экиш ва парвариш қилишда томорқа эгаларига ёрдам бериш билан боғлиқ хизматлар.
4.	Ахборот коммуникация йўналиши бўйича хизматлар	Ижтимоий тармоқлардаги фаолият, дастурий таъминот, мобил иловалар ва веб сайтларни ишлаб чиқиш, матнни яратиш ва ишлов бериш каби ахборот-технологиялардан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар.
5.	Маиший хизматлар	Сартарошлик, маникюр, косметолог, педикюр, уйда кир ювиш ва дазмоллаш, калитлар тайёрлаш, пойабзал тикиш, таъмирлаш ва бўйаш каби хизматларини кўрсатишга мўлжалланган ишлар.
6.	Халқ истеъмоли моллари	Нон, уйда музқаймоқ, салатлар, салқин ичимликлар,

Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018.

¹ <https://lex.uz/tu/docs/4849607?otherlang=1>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш	айрон, гўжа каби маҳсулотларни тайёрлаб етказиб бериш ҳамда деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш.
-------------------------------------	--

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилишга оид хизматларнинг 6 та асосий турга эга бўлиб, булар ижтимоий йўналишлар бўйича хизматлар, саноат йўналиши бўйича хизматлар, қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича хизматлар, ахборот комуникация йўналиши бўйича хизматлар, маиший хизматлар ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш кабилардан иборат экан. Ушбу соҳалардаги хизматлар кўрсатиш йўналишлари бўйича аҳолининг бандлик улушини таҳлил қиладиган бўлсак, бу куйидагилардан иборат (2 жадвал).

2-жадвал

Иқтисодиётнинг турли соҳаларида мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилган хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ аҳолининг 2023 йилдаги таркибий тузилиши¹

Т/р	Соҳалар ва тармоқларнинг номи	Ўзини ўзи банд қилган аҳолининг сони, киши	Ўзини ўзи банд қилган аҳолининг таркиби, %
1.	Ижтимоий йўналишлар бўйича хизматлар	53531	14,01
2.	Саноат йўналиши бўйича хизматлар	39705	10,40
3.	Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича хизматлар	87545	22,91
4.	Ахборот комуникация йўналиши бўйича хизматлар	10357	2,73
5.	Маиший хизматлар	160650	42,06
6.	Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш	30163	7,89
	ЖАМИ	381951	100,0

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, 2023 йилда юртимизда аҳоли ўзини ўзи банд қилганларнинг умумий сони 381951 кишини ташкил этган. Юқоридаги 6 йўналишдан энг катта улушини маиший хизматлар соҳаси ташкил қилган бўлиб жами ўзини ўзи банд қилганларнинг 160650 нафарини ёки 42,06 %ни ташкил этган. Кейинги йўналишни қишлоқ хўжалиги бўйича хизматлар ташкил қилган бўлиб, унда ўзини ўзи банд қилганлар сони 87545 кишини ёки 22,91%га тенг бўлган. Кейинги ўринларда ижтимоий йўналишлар бўйича хизматлар 53531 кишини (14,01 %ни) ва саноат йўналиши бўйича хизматларда 39705 нафар аҳоли банд бўлиб, уларнинг улуши 10,40 %ни ташкил қилган. Ўзини ўзи банд қилганлар таркибида энг кам кўрсаткични халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда 30163 кишини ёки 7,89%ни, кейинги йўналиш ахборот комуникация йўналиши бўйича хизматлар бўлиб унда 10357 кишини ёки 2,73%га бандлигига эришилганини кўриш мумкин. Ҳозирги пайтда ахборот технологиялардан фойдаланиб хизмат кўрсатувчилар сони кескин кўпайиб боради. Чунки, 2024 йил 1 мартдан бошлаб “Ҳар бир маҳалладан икки нафар дастурчи” дастури жорий этилиши кўзда тутилган эди. Бу мазкур соҳанинг кўпайишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ушбу дастур доирасида маҳаллаларда кенг кўламли ишлар белгиланган. Хусусан, ёшлар етакчилари томонидан маҳалла фаоллари иштирокида ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасига қизиқувчи ёшлар аниқланиб олинади. Чунки бундай ёшлар ҳар бир маҳаллада мавжуд. Уларни инглиз ва бошқа хорижий тилларга ўқитиш ҳамда сертификатлар олишини ташкил этиш, сертификат олган ёшлар тўғрисида маълумотларни тўплаб, Рақамли технологиялар вазирлигининг махсус ахборот тизимига киритиб бориш амалиёти жорий қилинади. Ушбу кадрлардан нафақат битта ҳудуд ёки мамлакатимиз доирасида, балки бутун дунё миқёсида фаолият кўрсатишга имкониятлар яратилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси
174

Рақамли технологиялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан махсус ахборот тизимига киритилган ёшларни ўзини ўзи банд қилиш билан бирга, ИТ соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларга йўналтириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш чоралари ҳам кўрилади. Шу йўналиш инсон капиталининг шаклланишига катта ҳисса қўшиш имкониятини яратади. Республикамизда иқтисодийнинг турли йўналишларида ўзини ўзи банд қилган хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ аҳолининг умумий сони ва 2023 йилда банд бўлганларнинг ҳудудий кесимидаги таҳлилини кўриб чиқамиз (3-жадвал).

3-жадвал

Мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилган хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ аҳолининг умумий сони ва 2023 йилда банд бўлганларнинг ҳудудий кесимидаги улуши¹

Т/р	Ҳудудларнинг номи	Шу давргача ўзини ўзи банд қилган аҳоли сони		Шундан, 2023 йилда ҳисобга олинган фуқаролар сони	
		киши	улуши, %	киши	улуши, %
1.	Қорақалпоғистон Р.	59 342	4,33	16 979	4,45
2.	Андижон вилояти	105 686	7,71	27 187	7,12
3.	Бухоро вилояти	111448	8,13	29411	7,7
4.	Жиззах вилояти	63077	4,60	14453	3,78
5.	Қашқадарё вилояти	115090	8,40	33051	8,65
6.	Навоий вилояти	52177	3,81	13007	3,41
7.	Наманган вилояти	90865	6,63	19608	5,13
8.	Самарқанд вилояти	200192	14,61	72978	19,11
9.	Сурхондарё вилояти	104306	7,61	34621	9,06
10.	Сирдарё вилояти	42657	3,11	9713	2,54
11.	Тошкент вилояти	104909	7,66	26782	7,01
12.	Фарғона вилояти	147431	10,76	34194	8,95
13.	Хоразм вилояти	79339	5,79	19534	5,11
14.	Тошкент шаҳри	93769	6,84	30433	7,97
	Жами	1370288	100%	381951	100%

Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб иқтисодийнинг турли йўналишларида хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ ўзини ўзи банд қилган аҳолининг энг катта қисми Самарқанд вилоятига тегишли бўлиб жами 14,61%ни (200192 киши) ҳамда бу 2023 йил кўрсаткичларида ҳам энг кўп 19,11%да (72978 киши) ўз ифодасини топган. Фарғона вилояти жами кўрсаткичда 10,76%ни (147431 киши) билан ва 2023 йилда 8,95%ни (34194 киши) ташкил этган. Кейинги ўринларни Қашқадарё вилояти ва Бухоро вилоятлари бўлиб жами ўзини ўзи банд қилганларнинг мос равишда 8,40%ни (115090 киши) ва 8,13 %ни (111448 киши) 2023 йилда эса 8,65% (33051 киши) ҳамда 7,7%ни (29411 киши) мос равишда ташкил этган. Жами ўзини ўзи банд қилганлар ва 2023 йилдаги кўрсаткичлар бўйича энг кам аҳоли қамрови бу Сирдарё вилоятининг жами ўзини ўзи банд қилган аҳоли улуши 3,11%ни (42657 киши) ҳамда 2023 йилда бор йўғи 2,54%ни (9713 киши) ташкил қилган ва Навоий вилоятида ҳам жами ўзини ўзи банд қилганлар 3,81%ни (52177 киши) ва 2023 йилда 3,41%ни (13007 киши) ташкил қилган.

Юқоридаги жадвалдан кўриш мумкинки қайси вилоятларда ўзини ўзи банд қилишда амалий ишлар юқори натижаларни бераётгани ва қайси вилоятларда бу борада кўшимча ишлар олиб бориш кераклиги ва аҳоли ўзини ўзи банд қилиши мумкин бўлган фаолият турларига жалб қилиш, уларни ўқитиш, малакасини оширишга ёрдам бериш кераклигини аниқлаштириб олиш мумкин.

Ўзини ўзи банд қилган аҳолининг 2023 йилда ижтимоий солиқ тушумлари вилоятлар кесимидаги таҳлилимиз 4-жадвалда келтирилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

**Мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилган хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ
аҳолининг 2023 йилда тўлаган ижтимоий солиқларнинг ҳудудий
кесимидаги улуши¹**

Т/р	Ҳудудларнинг номи	Жорий йилда тўланган ижтимоий солиқ	
		суммаси (млн.сўмда)	улуши, %
1.	Қорақалпоғистон Р.	513,2	1,58
2.	Андижон вилояти	3 351,2	10,33
3.	Бухоро вилояти	4 017,3	12,38
4.	Жиззах вилояти	571,4	1,76
5.	Қашқадарё вилояти	834,8	2,57
6.	Навоий вилояти	775,8	2,39
7.	Наманган вилояти	2 868,1	8,84
8.	Самарқанд вилояти	1 496,1	4,61
9.	Сурхондарё вилояти	822,2	2,53
10.	Сирдарё вилояти	547,3	1,69
11.	Тошкент вилояти	4 641,4	14,30
12.	Фарғона вилояти	7 708,0	23,75
13.	Хоразм вилояти	1 835,6	5,65
14.	Тошкент шаҳри	2 473,5	7,62
	ЖАМИ	32 456,1	100

Мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилган хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ аҳолининг 2023 йилда тўлаган ижтимоий солиқларнинг ҳудудий кесимидаги улуши бўйича энг юқори ўринни Фарғона вилояти эгаллаган бўлиб 2023 йил жами кўрсаткичнинг 23,75 %ни (7708,0 млн сўм) ташкил этган. Ундан кейинги ўринларни Тошкент вилояти 14,30 %ни (4641,4 млн сўм) ва Бухоро вилояти 12,38 %ни (4017,3 млн. сўм), ҳамда Андижон вилояти 10,33 %ни (3351,2 млн.сўм) ташкил этган ҳолда эгаллашган. Энг қуйи кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси 1,58 %ни (513,2 млн сўм) ва Сирдарё вилоятлари 1,69 %ни (547,3 млн сўм) эгаллаган.

Ушбу жадвалда яна бир муҳим жиҳатни кўриш мумкинки, 2023 йилда аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган Самарқанд вилояти 19,11%ни ташкил қилган бўлсада, ижтимоий солиқ тушумлари бўйича ҳудудлар кесимида 8 – ўринда 4,61 %да (1496,1 млн. сўм) эканлини кўриш мумкин. Ушбу ҳолат Самарқанд вилоятидаги аҳолининг ўзи ихтиёрий равишда ижтимоий солиқни тўлашни истамаган ёки ушбу вилоятдаги маҳаллалардаги мавжуд ҳоким ёрдамчилари, шунчаки аҳолининг сон жиҳатдан кўпайтириш мақсадида маҳалладаги ишсиз фуқароларни ўзини ўзи банд қилган кишилар сифатида рўйхатдан ўтказган, деган тахминга олиб келади. Таҳлил натижасида шундай номувофиқлик вужудга келган ҳудудларда мазкур масалага алоҳида аҳамият беришни ва назоратни кучайтиришни тақозо қилади.

Хулоса ва таклифлар. Ўзини ўзи банд қилишда, янги иш ўринларини яратишда бир қанча тавсиялар мавжуд.

Биринчидан, энг аввало, маҳалланинг ролини ошириш лозим. Бунда ҳоким ёрдамчиларида ўз ҳудудидан келиб чиққан ҳолатда аҳолини, ёшларни керакли касбга ўқитиш, уларнинг кейинги фаолият олиб боришлари учун ҳудудидаги бўш турган биноларни ижарага беришда ҳокимият билан биргаликда кўмаклашиш лозим.

Иккинчидан, ўзини ўзи банд қилишда паст кўрсаткичларни қайд этган вилоятларда, мос равишда ҳар бир туманларда кўпроқ тадқиқотлар олиб бориш ва аниқланган муаммоларга амалий ечимлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзини ўзи банд қилиш масаласини маҳаллалардан бошлаш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, ижтимоий солиқ бўйича ҳам ҳали етарли даражада ишлар амалга оширилмаганлигини, камчиликларни бартараф этиш лозим эканлиги ҳам кўриниб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

турибди. Ижтимоий солиқнинг мазмун-моҳиятини ҳали аҳоли бизнинг назаримизда тўлиқ англанича йук, агар аҳоли 1 йилда 1 марталик ижтимоий солиқни тўласа (2024 йил февраль ҳолати бўйича БХМнинг 1 баробари 340000 минг сўмни ташкил этади) унга 1 йиллик меҳнат стажи ҳисобланишини ва бу келажақда пенсия олишида етарли меҳнат стажига эга бўлишини таъминлайди. Буларни инобатга олиб, ҳар бир маҳаллада ижтимоий солиқнинг қанчалиги, унинг қачон тўланиши ҳамда унинг аҳамияти нимада эканлиги хусусида ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўртинчидан, тўланаётган ҳар бир ижтимоий солиқ тўлиқ ёки ярми айнан ўша худуднинг ўзида қолдирилиши мақсадга мувофиқ. Чунки ҳар бир инсон айнан ўзи истиқомат қилаётган маҳалла бюджетига қолдирилса ўша маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ўз ечимини кутаётган масалаларга йўналтирилиб, бир қанча муаммонинг ечими топишга бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси ва уларни ҳал қилиш йўллари, инсон кадрлари учун бўлиб, одамларимизнинг бугунги кундан рози бўлиб яшашларини таъминлаш давлатимизнинг бош ғояси эканлигидан далолат бериб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://xs.uz/uzkr/post/khizmatlar-sohasini-rivozhlantirish-bojicha-ustuvor-jonalishlar-belgilandi>
2. Lucy Daniels "Self-Employment for the Creative Individual" (31 Mar. 2005),
3. Robert Perrucci, D. M. Wright "The Transformation of Work in the New Economy: Sociological Readings".
4. Linda G. Rineo "Self-Employment: From Dream to Reality!: An Interactive Workbook for Starting Your Small Business", Jamie Woodcock, "The Gig Economy: A Critical Introduction".
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/09/27/mahalla/>
4. Холмўминов Ш.Р., К.З.Хомитов, Ж.Х.Бобаназарова, Х.Х.Абдураманов, Н.Р.Саидов. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишлари. Монография. – Тошкент, «Инновацион ривожланиш нашриёт – матбаа уйи», 2020. – 278 б.
5. Умурзаков Б.Х. ва бошқалар. Меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланишининг худудий усуллари. Монография. – Тошкент, «LESSON PRESS», 2017. – 184 б.
6. Икромов М.А., Пардаев М.К., Абдухалилова Л.Т. Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил. Дарслик. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2022. – 470 бет.
7. Пардаев М.К., Исроилов Б.И., Холикулов А.Н., Яхёев Т.И. Меҳнат кўрсаткичлари таҳлили. Ўқув қўлланма. – Самарқанд. “FAN BULOG‘I”: 2022. – 176 бет.
8. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари, Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 68 бет.
9. Пардаев М.Қ., Пардаев Олим, Пардаева Озода. Ўзини ўзи банд қилиш йўллари. Илмий-амалий тавсия. – Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 72 б. – 4,5 б.т.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги солиқ қўмитаси маълумотлари www.stat.uz www.soliq.uz

<p>А.Латипов</p> <p>Основные направления в сфере услуг, связанные с самозанятостью в различных секторах экономики</p> <p>Аннотация: в статье рассмотрена доля самозанятого населения в секторах услуг страны по различным направлениям экономики, доля в разрезе регионов, а также проведен статистический анализ уплачиваемых ими налоговых поступлений и сформированы выводы и предложения на основе полученных результатов.</p> <p>Ключевые слова: занятость, самозанятость, экономика, регионы, налоги, бедность, сокращение бедности.</p>	<p>A.Latipov</p> <p>Main directions in the service sector related to self-employment in various sectors of the economy</p> <p>Abstract: the article examines the share of the self-employed population in the country's service sectors in various areas of the economy, the share by region, as well as a statistical analysis of the tax revenues they pay is carried out and conclusions and proposals were formed based on the results obtained.</p> <p>Keywords: employment, self employment, economy, regions, taxes, poverty, poverty reduction.</p>
--	---

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

06.03.2024 йилда теришга берилди. 29.03.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0024А/30.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.